



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (12.460)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйи шукуҳи бутун республикамиздаги каби пойтахтимизнинг барча гўшаларида кезмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам тадбирлари юртдошларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



Ўзбекистон Республикаси
Қуrolли Кучлари академиясида
навбатдаги битирувчиларга
диплом ва кўкрак нишонларини
топширишга бағишланган
тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ватан ҳимояси —
муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ
СИЗГА,
ОФИЦЕРЛАР!

Унда вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, ҳарбий хизматчилар, академия профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуrolли Кучларини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган самарали тизим яратилди. Бу ҳарбий хизматчиларга ўз маҳоратини, назарий ва амалий билимини такомиллаштириш имконини бермоқда, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба тўплаш ва маҳоратни ошириш учун шароитлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев битирувчиларни ушбу муҳим кун билан қутлар экан, зиммасига мамлакатимиз Қуrolли Кучларининг жанговар тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифаси юклаган офицерлар миллий армиямизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланишини таъкидлади. Офицерлар академияда ўқиш чоғида кўшинларни бошқаришни ташкил қилиш тизими бўйича ўз билимини ошириш баробарида Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчини намунали бажариш, билдирилган ишончни оқлашга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, Қуrolли Кучлар академиясида ўқиш офицерларни касбга тайёрлашда муҳим босқич ҳисобланади. Бу ерга ўқишга бугунги кун талабларига жавоб берадиган ва юқори тайёргарлик даражасига эга энг сара офицер кадрлар қабул қилинади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида хизмат қилиши, олий ҳарбий-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши, касбий тайёргарлик текширувидан ўтиши ва тест синовларини муваффақиятли топшириши шарт.

— Мен ҳарбий олий таълим муассасасида олган билим ва тажрибамни хизмат даврида янада бойитдим, — дейди академия битирувчиси майор Абдуманноп Турғунов. — Хизматни давом эттиришга киришар эканман, Ватанимга содиқ бўлиш, унинг мудофаа қобилиятини ошириш, ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш ва халқимизнинг осуда ҳаётини ҳимоя қилиш учун бор куч ҳамда билимимни сафарбар этишга ваъда бераман.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли, шунингдек, танikli санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги навбатдаги маънавий-маърифий ва маданий тадбир ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Аънавий тарзда уюштирилаётган мазкур байрам тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил эти-

либ, Бектемир, Сергели, Юнусобод туманлари фаолиятига бағишланди.

Тадбир доирасида туманларда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида туманда фаолият олиб борувчи хусусий ўқув марказларининг тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик, ўрта махсус таълим ҳамда мактабгача таълим муассасалари томонидан миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати кўргазмалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БҲҮҮК МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим омили сифатида ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 27 июнда имзоланган тегишли Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Айни пайтда санокли дақиқалар ичида бошқа шаҳар ёки давлатга кўнгилроқ қилиш, телевизорни масофадан туриб ёқиш, дунёда рўй бераётган энг сўнгги воқеалардан хабардор бўлиш ёки Ер шарининг бошқа қисмида яшайётган дўстнинг гиздан ҳол-аҳвол сўраш, ишбилармон шериклар билан видеоконференция ўрнатиш, масофадан туриб музокара ўтказиш мумкин. Замонавий технологиялар шу тарихқа ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Биз, фойдаланувчилар эса ушбу технологияларни ишлаб чиқиш, уларнинг самарали ишлатилиши таъминлаш, давр талабларига мувофиқ мунтазам янгилаш учун қанча куч ва маблағ сарфланаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Хозирги глобаллашув асрида жамиятимизни янада ривожлантириш ва уни жаҳон ахборот маконида интеграциялаштириш борасидаги комплекс ёндашувларни эътиборга олиб, ушбу соҳада пухта ўйланган давлат сиёсатини юритиш зарур. Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашадиган замонавий меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Истиқлол йилларида бу борада қабул қилинган қонуналар, давлатимиз

раҳбарининг фармон ва қарорларига мувофиқ интернет, мобил алоқа ва бошқа кўплаб хай-тек маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш бўйича юқори технология база шакллантирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланиб бормоқда. Барча вилоят марказларида шаҳарлараро рақамли станциялар ўрнатиш, магистрал шаҳарлараро ва вилоятлар ичидаги алоқа линияларида оптик-толали кабель ҳамда рақамли радиорелели линиялар ўтказилган, янги теле ва радио сигналлар узатиш мосламалари модернизация қилинган ва ўрнатилган. Барча шаҳар ва туман марказларидаги тармоқларнинг рақамлаштирилиши натижасида аҳоли, корхоналар, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқаси ва маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатилмоқда. Интернет тармоқидан кенг фойдаланиш оммалашиб бормоқда, миллионлаб абонентлар уяли алоқа компаниялари хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Зеро, бугун Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудуди мобил алоқа

тармоғи билан қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан маълум қилишларича, 2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига улашиш хизматини кўрсатётган хўжалик субъектлари сони 924, биргаликда фойдаланиш пунктлари умумий сони эса 1035 ни ташкил қилади. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш бўйича умумий тезлик жорий йил бошига нисбатан 11 фоизга ошди ва 8,7 Гбит/сонияни ташкил этди. Интернетдан кенг фойдаланиш хизматини кўрсатиш учун ўрнатилган порталлар сони 459,7 мингга етди ва бу кенг полсали мультисервис хизматини кўрсатиш қамровини кенгайтириш имконини беради.

Жорий йилда замонавий технологиялар асосида видеотелефонлар, интернет-телевидение, юқори тезликдаги интернет, НDTV каналларини намойиш қилиш ва бошқа конвергент хизматлар кўрсатиш имконини берадиган, узунлиги 2 минг километрдан зиёд кенг полсали оптик-толали алоқа тармоғи қурилиши лойиҳаси амалга оширилмоқда. Айни пайтгача 1000 километрдан ортиқ оптик-толали кабель ётқизилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида биз қисқа вақт мобайнида нафакат ахборот хизматлари кўрсатишининг кўплаб турлари бўйича мавжуд қамчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида ҳам юксак даражага эришган илгор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Баркамол авлод — обод турмуш кафолатидир» мавзусида ёшлар форуми ўтказилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Камолот» ЁИХ томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, партиянинг Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоят кенгашлари қошидаги «Ёшлар қаноти» етакчилари қатнашди.

● «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва тегишли банклар билан ҳамкорликда ўтказилаётган аънавий «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

● Фарғона туман агросаноат касб-хунар коллежида ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредит-банк», «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда коллежни битирган қизларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича машғулотлар ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида ёш ижодкорларнинг асарлари кўргазмаси очилди. Обод турмуш йилига бағишлаб «Обод юртнинг гўзал ёшлари» деб номланган ушбу кўргазмада пойтахтимиздаги Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда П.Беньков номидаги санъат коллежида тахсил олаётган ёшларнинг юзга яқин асари намойиш этилмоқда.

● Нукусда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича белгиланган тадбирлар доирасида «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, «Агробанк» ОАТБ билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда 38 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-режаси билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг гарбий қисмидаги бир неча музофотда ўн минглаб аҳолига ўз уйлари худудидан тарқатишлари тавсия этилди. Кучли ва тинимсиз ёмғирлар ёгиши бунга сабаб бўлди: бу ерда бир неча кун давомида етти ойлик ёғингарчилик меъёри ёққан. Натижада сув тошқинлари сел ва ер қўвишларига олиб келди. Кучли сел автомобиллари ва темирйўللари издан чиқарди, кўприклар бузилди, юқори вольтли электр ўтказгич линиялари шикастланди.

● Бугун Покистонда мамлакат ўн иккинчи президентининг сайлови бўлиб ўтди. Янги давлат раҳбарини сенатнинг 104 аъзоси, Миллий ассамблеянинг 342 нафар депутати ҳамда мамлакатнинг тўртта музофот ассамблеяларининг 260 нафар депутати сайлайди.

● Кеча Швейцария гарбиде иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида камида 44 киши жабрланди.

● Кеча Руминиянинг Таурен шаҳридан ёғочга ишлов бериш фабрикаси томон парвоз қилган вертолётнинг номаълум сабабларга кўра қўлга қулаб тушиши натижасида учувчи ва вертолёт бортидаги тўрт нафар киши ҳаётдан қўз юмди.

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН шаҳар болалар ташхис марказида Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган

маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ БУГУН «Саёҳат» меҳмонхонасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш

— халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА «Пахтакор» марказий стадиони атрофида Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари

бирлашмаси Кенгаши, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамкорлигида пойтахт корхоналари, ташкилотлари, муассасаларидаги ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба ТУР» веломарафони ўтказилади.



ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ЯНГИЛНИШЛАР

(1995 йил)

Йил воқеаларга бой бўлди. 8 ва 22 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловнинг иккинчи ва учинчи тури бўлиб ўтди. Амалда бу мустақилликка эришганимиздан кейинги биринчи парламент ва маҳаллий кенгашларга сайлов эди.

Мамлакатда сиёсий ислохотлар фаоллашган эди. Шу йил 18 февралда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик, 3 июнда эса «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди. Партияларнинг Низом ва Дастури тасдиқланди.

28 февралда Ўзбекистон халқаро хусусийлаштириш ва инвестиция банки — «Ўзприватбанк» ўз фаолиятини бошлади.

Март ойидан «Тошқишлоқмаш» заводида пичан йиғувчи комбайнлар серияли равишда ишлаб чиқарила бошланди. Бунинг аҳамияти шундан иборат эдики, биз галла мустақиллиги сари дадил қадамлар ташлашга киришдик. Амалда галла майдонлари йил сайин кўпайиб, пичан йиғувчи комбайнларга эhtiж ҳам ошиб бораётган эди.

Шу ойда Тошкентда «Атроф-муҳитни сақлаб қолиш — Ўрта Осиё давлатлари учун келажак вазифаси» мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон энди ўзини ўзи бошқариш, ўз тараққиётини ўзи таъминлаш, ўз қаддини ўзи ростлаш ҳуқуқига эга эди. Миллий давлатчилик қай йўсинда такомиллаштириб борилади? Давлат ва жамиятни бошқариш илми қерда ўргатилади? Қайси илм даргоҳида раҳбар ва ташкилотчи кадрлар тайёрланади?

Ана шу масалалар ўз ечимини кутар эди. 1995 йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди (2012 йилдан у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига айлан-тирилди). Мана, 18 йилдирки, мазкур академия давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият олиб беришга йўналтирилган магистрлар тайёрлайди.

Бундан ташқари, бу академия сиёсий, иқтисодий, маънавий йўналишдаги турли фанлар ривожланаётган кучли бир илмий марказга ҳам айланиб улгурди.

1995 йил апрелида Тошкентда республикада биринчи хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки («Ўзбекхусусийбанк») очилди.

15 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Исломни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25 майда Мурунговда «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

5 июнда Андижон муҳандислик иқтисодиёт уни-верситети ташкил этилди.

14 — 20 июнь кунлари Тошкентда биринчи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 85 дан зиёд давлат, акциядорлик корхонаси, хусусий ва қўшма корхона иштирок этди.

7 июлда «Қизилқумнодирметаллотин» давлат концерни (2004 йилнинг 19 майдан Навоий кон-металлургия комбинати) қошида Навоий давлат кончили институтини ташкил этилди. Шу кунга Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик ва ки-чик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» нодавлат тузилмаси — очик турдаги акция-дорлик жамияти тузилди.

Банк тизимини бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва талаблари асосида такомиллаштириш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланар эди. Бу, жумладан, турли йўналишларга иxtисослашган ҳар ил янги банклар очишни тақозо этар эди. 27 июлда иxtисослаштирилган акциядорлик тижорат банки — «Пахтабанк» иш бошлади. 28 июлда эса Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташкил этилди. 31 августда Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлди. 7 сентябрда эса Тошкентда «Замин» иxtисослаштирилган давлат-акциядорлик ипотека банки ташкил этилди. 7 ноябрда эса иxtисослаштирилган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини бошлади.

Июль ойида Хоразм вилоятининг Богот туманида Буюк Британия билан ҳамкорликда тиббиёт моими ишлаб чиқарадиган корхона, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги «Ипакчилик» акциядорлик жамиятида пилла чиқиндиларидан қимматбаҳо ил ишлаб чиқарадиган «Спиннинг-Силк» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси, 17 августда эса Қўқонда спирт заводи ўз фаолиятини бошлади.

24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоида-лари тўғрисида»ги қарори чиқди. 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессия-сида «Ўзбекистон Республикасининг Конституция-вий суди тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ҳамда «Меҳнат шухрати», I ва II даражали «Шон-шараф» орденлари таъсис этилди.

Шу ойда Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси қабул қилинди. 1994 йил 15 августда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. 1995 йил 2 сентябрда шу ўқув даргоҳининг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди.

7 сентябрда Ўзбекистон аlyпинизми тарихида би-ринчи марта Республика Давлат спорт қўмитаси аль-

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



пинистлари гуруҳи иккита баланд чўққи — Хонтан-ри (6 минг 995 метр) ва Фалаба (7 минг 439 метр) чўққиларини забт этишди.

Ой сайин мамлакатимизнинг халқаро алоқалари кучайиб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз мустақамланиб бораётган эди. 26 августда Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. 15 — 16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши, Ислом конфе-ренцияси ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари, Ўрта Осиё давлатла-ри ва уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди. 18 сентябрда эса Нукусда БМТ ша-фелигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. 10 октябрда Тош-кентда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкило-тининг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар

рақаб тарихий жараён. Бунда энг муҳим масала — стратегияда адашмаслик.

Ўзбекистон Республикаси стратегик мақсадлар-ни қўлаганини, ўз мустақил йўлини танлаб олгани-ни жаҳон ўша 1995 йилларга келиб тўлиқ англаб етди.

Мамлакат энди иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштириш йўлига ўтган эди. Президент Ислам Каримовнинг шу йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган китобининг айнан «Ўзбекистон иқти-содий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланиши қатъий мантқий асосга эга эди.

Асар — «Муқаддима» ва икки мустақил қисмдан иборат.

«Муқаддима»да муаллиф мамлакат олдида тур-ган асл мақсадни қуйидагича ифодаляди: «Пиро-вард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқа-рор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқа-ролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Асарнинг биринчи қисми «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» деб

номланади. У, ўз навбатида, қуйидаги фаслларга бўлинган:

1.1. Иқтисодий ислохотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизми.

1.2. Иқтисодий ислохотлар ҳуқуқий негизининг барпо эти-лиши.

1.3. Давлат мулкни хусусий-лаштириш ва кўп укладли иқти-содиёт асосларини шаклланти-риш.

1.4. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш.

1.5. Институционал ўзгаришлар ва бошқаруving маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш.

1.6. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфра-структурасини шакллантириш.

1.7. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш.

1.8. Ишончли ижтимоий қафолатларнинг таъмин-ланиши.

1.9. Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқти-содий ислохотларнинг ижтимоий негизидир.

1.10. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарор-ликнинг таъминланиши — ислохотлар биринчи бос-қичининг энг асосий якуни.

«Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг ва-зифалари ва устувор йўналишлари» деб номланган иккинчи қисм эса қуйидаги фасллардан ташкил то-пан:

2.1. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаш-тириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш — иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вази-фаси.

2.2. Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш — иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврдаги устувор вази-фасидир.

2.3. Миллий валюта қадрини ошириш — иқтисо-дий ислохотлар иккинчи босқичининг ҳал қилувчи муаммоси.

2.4. Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш — барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шарти.

2.5. Мақсадимиз — кучли ижтимоий қафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш.

Ана шу мундарижадан ҳам кўриниб турибдики, давлат раҳбари ҳар бир масалада мамлакатнинг айнан 1995 йилги вазиятидан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза юртади. Маълум бўладики, ана шу йил-дан эътиборан Ўзбекистонимизда ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланган. Бунга асар муаллифининг мана бу сўзлари ҳам тўла тас-диқляди: «Биз республикада вужудга келган вазиятга ҳақиқий баҳо бера эканмиз, Ўзбе-кистон ўз давлатчилик-сиёсий ва иқтисодий қурилишида сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйганлигини алоҳида таъкидлашга ҳақлимиз».

Бу асар ана шундан далолат берадики, Ўзбекис-тон Республикаси Президенти истиқлолнинг ҳар бир йилида ислохотлар жараёнларини илмий таҳ-лил қилиб, махсус асарларида муҳим-муҳим ҳуло-саларини баён этиб борди. Шу тариқа ислохот-ларнинг истиқболлари ҳам белгилаб берилди.

Агар мазкур асарда мамлакатда 1994 йили 1993 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқа-риш 96,5 фоизни, ҳосил қилинган миллий даромад 92,6 фоизни ташкил этган бўлса, саноат маҳсулоти ҳажми 101 фоиз бўлгани қайд этилади. Биз шу та-риқа ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, жаҳонда кучли молиявий-иқтисодий инқироз кеча-ётганига қарамай, кейинги йилларда йилига 8 — 9 фоиздан кам бўлмаган ўсишга эришиб турибмиз.

Бу ютуқ, шубҳасиз, истиқлол даврида олиб бо-рилган илмий асосланган ислохотлар орқали қўлга киритилди.

Олим МАХМУДОВ

(Келгуси сонда 1996 йил воқеалари тафси-лоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бахтнинг ўзи давлат эмасми?

Баъзилар битиб турган ишни бузади.

Бировнинг сирини билиб олиб, бошқаларга фош қилиш душман-нинг иши.

Бир нобоп кимса бутун авлодига иснод келтиради.

Кўп гапирган кам иш қилади.

Соғлик бўлмаса, ҳеч нима та-тимайди.

Нопоклик ботқоққа ўхшаб қаърига тортиб кетади.

Биров билан битадиган иш миннатли бўлади.

Замон ўзи билан тенг юрганни суяди.

Яхши кишининг ҳасадгўйи кўп бўлади.

Ёмонга тенг бўлиб обрў олол-майсан.

Одатда, қийинчилик нималигини кўрмаганлар қийинчиликдан нолийдилар.

Биз кўпинча бахтни пайқамай ёнидан бепарво ўтиб кетамиз.

Мол-дунё ҳирси кўнгилни ўлди-ради.

Дўст дийдоридан ортиқ тўхфа борми?

Умр манзилига куруқ бормас-лик керак.

Бўлмайдиган ишдан воз кечиш керак.

Ёмоннинг касрига кўпинча яхши қолади.

Таваккал қилиш учун юракда шижоат бўлиши керак.

Ҳар қандай вазиятда ҳам хуш-муомала бўлиш керак.

Ишинг тушмагунча бировнинг имкониятларини билмайсан.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида «Ишонч телефони» хизматлари йўлга қўйилди.

Хурматли ёшлар!

Агар Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса ёхуд бошқа масалалар юзасидан ҳуқуқий масалатга зарурат сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган «1008» «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз адлия органлари ҳимоясида!



Тошкент шаҳрида 31 июль кунги ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб тура-ди. Ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 23-25, кунду-

зи — 42-44 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг маъ-мурий хизмати маълумо-тига кўра, 31 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво му-ҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратлади. Атмосферанинг иф-лосланиш даражаси 1-3 фоз қўнайиши тахмин қилинмоқ-да, таъмиқдори паст бўлади.

